

Таъмирлаш ишларини бажариш учун тузилган

ПУДРАТ ШАРТНОМА № 280-1-18-0 B/2022

30 Ноябр 2022 й

Асака тумани

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Асака туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари В Парпиев бир томондан ҳамда кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган SHUNTRANS SERVIS МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи рахбар К. Исмоналиев иккинчи томондан объектни жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Асака тумани Кадим МФЙ ички кучасини 2823 метр жойини тайёрлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар киймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда жорий нархларда 1170571434 (бир миллиард бир юз етмиш миллион беш юз етмиш бир миңг турт юз уттиз турт) сум тулашни ташкил этади.

2.2. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- лойиха кийматини куپайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартнома ҳамда унинг иловасига мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофик ишларни бажариш учун яркли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишларни бажарилиши устидан доимий архитектура – курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи тамонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Шартнома буйича белгиланган ишлар миллий валюта «сум» да хисоб-китоб килинади, тамонлар уни имзолаган ҳамда конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кегин кучга киради.

5.2. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадигон молиялаштириш жадвалига мувофик шартнома кийматининг 15 фоиз аванс тулови хисоб ракамга келиб тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Танлов савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 (йигирма) кунни ташкил этади.

6. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Туловлар пул утказиш йули билан амалга оширилади. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматини 15 фоизи миқдорида олдиндан туловни бюджет маблағлари ҳисобидан утказиб беради.

6.2. Буюртмачи тамонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асосида ҳисобланади.

Шартнома қийматининг қолган 85 фоиз тулови ишлар хизматлар бажарилгандан сунг амалга оширилади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек Пудратчи тамонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадур.

7.3. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.4. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.5. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

7.6. Пудратчи узи тамонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

7.7. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, У агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари тамонидан ишларнинг қийматининг қупайғирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.9. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агарда ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эътса, тамонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. ТАМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Тамонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

9.2. Мазкур шартномага асосан бажарилган ишлар хақини уз вақтида туламаганлик учун Буюртмачи Пудратчига утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

9.3. Шартномага мувофиқ тулов талабномаси акцептини асосиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа ва шаклларида бажарилган ишлар хақини тулашдан бош тортганлик учун Буюртмачи Пудратчига узи тулашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тулайди.

9.4. Пудратчи курилиш ишларини шартномада белгиланган муддатда бажармаса уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришининг ёки хизматлар курсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

9.5. Агарда бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, Буюртмачи объектни кабул кили шва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

10. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалалрни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан куриб чикилади.

11. АЛОХИДА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

11.2. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

11.3. Мазкур шартномада назарда тугилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалар кулланилади.

11.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилиб, хар икки тараф томонидан имзоланиб, худудий Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

Асака туман хокимлиги

Ободонлаштириш бошкармаси

Манзил: Сохил буйи № 8 а уй

Асака Миллий банка

ИНН: 205 578 197 МФО: 00893

Ш-х/в 401722860032247045204110009

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги Марказий банк Тошкент шаҳар

Бош бокармаси ХККМ

х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

рахбар:  В. Нарлиев




SHUNTRANS SERVIS МЧЖ

Манзил: Андижон вил. Корасув шах.

х/р: 20208000704809746001

Кишлоқ Курилиш банк Кургонтёпа фил

ИНН: 301371227 МФО: 01037



 К. Исмоналиев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

SW3721041471

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Asaka tuman obodonlashtirish bo'limi tomonidan 29.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Asaka tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



B.S.KIMSANBOYEV

29.11.2022